

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШЕВ ФУРҚАТ НИШОНОВИЧ**

**ТИЗЗА БЎҒИМИ АРТРОЗИНИ КОМПЛЕКС КОНСЕРВАТИВ  
ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation**

**Тошев Фуркат Нишоневич**

Тизза бўғими артрозини комплекс консерватив  
даволаш усуллари .....3

**Тошев Фуркат Нишоневич**

Комплексное консервативное лечение артроза коленного сустава.....23

**Toshev Furkat Nishonovich**

Complex conservative treatment of arthrosis of the knee joint .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТОШЕВ ФУРҚАТ НИШОНОВИЧ**

**ТИЗЗА БЎҒИМИ АРТРОЗИНИ КОМПЛЕКС КОНСЕРВАТИВ**  
**ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3397 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzniito.uz](http://www.uzniito.uz)), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ва Миллий ахборот агентлиги порталида ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Ирисметов Муроджон Эргашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Уринбоев Пайзулла Уринбоевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Новиков Константин Игоревич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)


**Етакчи ташкилот**

Догистон давлат тиббиёт университети  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «15» май куни соат 12<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро ш., Гиждувон кўчаси, 23. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50 тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (34 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро ш., Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «2» май куни тарқатилди.  
(2025 йил «2» май даги 23 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Т.Уроқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Остеоартроз (ОА бўғимларнинг сурункали зўрайиб борувчи дегенератив касаллиги бўлиб, бўғим тоғайларининг деградацияси билан тавсифланиб, бунда суякдаги субхондрал ўзгаришлар ва қиррали остеофитларнинг ривожланиши кузатилади. Бу ўзгаришлар бўғим тоғайлари ва унинг бошқа таркибий қисмларининг емирилишига олиб келади (синовиал қават, бойламлар). «...Касалликнинг рентгенологик белгилари 65 ёшдан катта одамларда ва 75 ёшдан ошганларнинг 80%дан кўпроғида кузатилади...»<sup>1</sup>. Тизза бўғими остеоартрози бўғимлар дегенератив-дистрофик касалликларининг умумий касалликлари орасида кенг тарқалган касаллик бўлиб, ортопедияда етакчи ўринни эгаллайди. Охирги вақтда аҳолининг ёш, ишга лаёқатли қисмида гонартроз кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Жаҳонда тизза бўғими артрозларини ташхислаш, артроскопик усулларни қўллаб даволаш ва асоратларини олдини олиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, тизза бўғимларининг артрозида гиалурон кислотасидан (ГК) фойдаланиш зарарланган бўғимнинг табиий гомеостазини тиклаш ва унинг биокимёвий таъсири бўғим синовиал суюқлигининг химоя, мойлаш ва ташқи таъсир хусусиятларини яхшилашга ёрдам беради. Сўнгги йилларда турли хил зарарланган ва шикастланган тўқималарни тиклаш жараёнларини яхшилаш учун ўсиш омилларидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Ушбу турдаги омил сифатида тромбоцитларга бой қон плазмаси (ТБП) қаралади. Маълумки, тромбоцитларнинг альфа гранулалари бир қатор ўсиш фактори медиаторлари, хусусан, инсулинга ўхшаш ўсиш фактори-1, асосий фибробластларнинг ўсиш фактори, тромбоцитларнинг ўсиш фактори, эпидермал ўсиш фактори, қон-томир эндотелийсининг ўсиш фактори бу яллиғланиш реакцияларининг сусайиши беморларда тизза бўғими артрозини консерватив даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш, улар самарадорлиги ва узок натижаларини яхшилаш, бўғим синовиал суюқлиги патологик ўзгаришларини ўрганиш, касалликни даволашда патогенетик ёндашиш каби муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, турли кўринишдаги нурланишларнинг патогенетик таъсирини аниқлаш, ушбу ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий-биологик хавфсизликни таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» да кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шунга асосан тажрибада ўтқир

<sup>1</sup> Абдушарипов М. А. Магнитно-резонансная томография в диагностике травматических повреждений колленного сустава // Медицинская визуализация. — М., 2017. — Том 21. №2. — С. 114-119.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ва сурункали нурланишнинг иммун тизимига таъсирини тажрибада қиёсий ўрганиш, профилактик биокоррекция усуллари мужассамлашган комплекс ташҳис ва даволашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Остеоартроз тизза бўғими синовиал таркибининг патологик ҳолати бўлиб, эрта ногиронлик ва доимий оғриқ туфайли ҳаёт сифатининг сезиларли даражада ёмонлашиши билан тавсифланади. Кўпинча тизза бўғимларида артроз учрайди. Бирламчи остеоартрозларни дори воситалари билан даволаш кўпинча беморларнинг ҳаёт сифатини етарли даражада яхшилашни таъминлаб беролмайди, шу сабабли ушбу касаллик учун маҳаллий терапиянинг самарали ва хавфсиз усуллари излаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Жаҳон амалиётида таянч-ҳаракат тизимининг дегенератив патологиясини даволаш учун бузоқча қонидан тайёрланган –актовегин ва адгелон препаратларидан фойдаланиб келинмоқда [Gnchez M. S.et. al., 2022; Wong M.et. al., 2021]. Сўнгги йилларда тромбоцитларга бой аутоплазмадан (ТБА) фойдаланиш кенг қўламда олиб борилмоқда. ТБА таркибида трансформацияловчи ўсиш омили (TGF- $\beta$ ), томир эндотелиал ўсиш фактори (VEGF), фибробластларнинг ўсиш фактори (FGF-2), тромбоцитларнинг ўсиш фактори ҳамда инсулинга ўхшаш ўсиш фактори (PDGF), эпидермал ўсиш фактори (EGF) ва адгезивли молекулаларни (фибрин, фибронектин, витронектин) сақлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, экспериментал остеоартрозларда алоҳида ўсиш омилларидан фойдаланишга уринишлар сезиларли натижаларга олиб келмади. Тромбоцитларга бой плазма асосида биологик препаратлардан фарқли ўлароқ, спорт жароҳатларини даволашда, жарроҳлик амалларида ушбу препарат даволаш самарадорлиги (хусусан бўғимларда) юқори эканлигини кўрсатди. Тромбоцитларга бой плазмадан ревматология амалиётида фойдаланиш, яъни тизза, тирсак ва болдир-панжа бўғими тендинитларида даволашда ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Тизза бўғими инсон танасидаги энг катта бўғимлардан бири бўлиб

ҳисобланади. У сезиларли статик ва динамик, механик зўриқишни кечирганлиги ва мураккаб анатомик тузилишга эга бўлганлиги сабабли, тизза бўғимининг турли жароҳатлари кенг тарқалган бўлиб ҳисобланади. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, улар ҳаракат-таянч тизимининг барча шикастланишларининг 50-70%ни ташкил этади [Bellamy N. et al.,2019; Широкова Л.Ю. ва ҳаммуалл., 2019].

Агарда бўғим тоғайида катта бўлмаган ҳажмдаги нуқсон бўлса, тизза бўғимидаги ҳаракатлар чекланади ва гонартрозлар ривожланишига олиб келади. Шунинг учун жароҳатдан кейинги хондропатияларни даволаш замонавий травматология ва ортопедиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда [Емелин А.А., Ахтямов И.Ф., ва ҳаммуалл., 2021; Ирисметов М.Э., 2018].

Тизза бўғими остеоартрозини даволашдан мақсад: ривожланаётган патологик жараённи клиник компенсация фазасига кўчириш, бўғимдаги дегенератив-дистрофик ўзгаришларни барқарорлаштиришдан иборат. Тизза бўғими остеоартрозида ностероид яллиғланишга қарши препаратлар, хондропротекторлар, аппликацион терапия, бўғим ичига гормонал препаратларни юбориш, турли молекуляр оғирликдаги гиалурон кислотаси ҳосилалари ҳам ТБП ёрдамида амалга оширилади. Касалликнинг этиотроп давоси йўқ, шунинг учун ушбу патологиянинг ривожланиш механизми аниқсизлигича қолмоқда [Бакиев Б.К., Ирисметов М.Э. ва ҳаммуалл.,2020].

Кўпгина адабиётлар маълумотларига кўра, тромбоцитларнинг аутоген ўсиш фактори (трансформацияловчи ўсиш фактори (TGF-  $\beta$ ) ва инсулинга ўхшаш ўсиш фактори-1) синовиал хужайралар ишини стимуллайтиди. Бироқ ҳозир кунда ТБП қўлланилишининг клиник самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар етарли даражада эмас. Тизза бўғими остеоартрозларини комплекс консерватив даволаш ва унинг асоратларини олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2022 PhD 163) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** тизза бўғими остеоартрози билан касалланган беморларда тромбоцитларга бой қон плазмасини қўллаш орқали даволаш самарадорлигини оптималлаштиришдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

беморларда тизза бўғими артрозларининг турли босқичларида тромбоцитларга бой плазмани қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослаш ва кўрсатмаларни аниқлаш;

тизза бўғими артрозининг турли босқичларида тромбоцитларга бой плазмани бўғим ичига киритилишининг самарадорлигини даволашни назорат қилиш усули билан таққослаш;

тизза бўғими ичига тромбоцитларга бой қон плазмаси қўлланилганда,

унинг тоғай тўқимаси ҳолатини МРТ натижаларига асосланиб динамикада асослаш;

тизза бўғими ичига тромбоцитларга бой қон плазмаси қўлланилганда, синовиал суюқлик кўрсаткичларининг динамикаси натижаларини баҳолаш;

тизза бўғими остеоартрозида тромбоцитларга бой қон плазмаси қўлланилиши маҳаллий терапиясининг клиник алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази травматология ва ортопедия бўлимида даволанган 114 нафар турли даражадаги тизза бўғими остеоартрози бўлган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тизза бўғими остеоартрози (ТБОА) бўлган беморларда ўтказилган клиник-инструментал (клиник, рентгенологик, МРТ, УТТ денситометрия) текшириш натижалари, беморлардан олинган синовиал суюқликнинг биокимёвий лаборатор таҳлил натижалари ва статистик маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш давомида клиник, гониометрик, рентгенологик, ультра товушли денситометрия, МРТ, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротоба тизза бўғими артрозини даволаш учун тавсия этилган усулдан фойдаланишда беморларда шиш, гиперемия ва бўғимларда оғриқлар даражасининг пасайиши билан намоён бўладиган клиник самарадорлик исботланган;

илк маротоба тадқиқотга киритилган беморлар зарарланган тизза бўғимида тромбоцитларга бой плазма қўлланилганда бўғим тоғайи дегенератив жараёнларни ремиссияси ва унинг динамикада қайта тикланиб бориши исботланган;

илк маротоба тизза бўғими артрозида тромбоцитларга бой плазма қўлланилгандан сўнг, синовиал суюқликнинг таркибий қисмлари ва тоғай тўқималарида яллиғланиш элементларининг пасайиши аниқланган;

беморларда далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан, тизза бўғим остеоартрозларининг клиник босқичларида тромбоцитларга бой плазма юбориш орқали бўғим фаолиятининг анатомо-функционал ҳолати яхшиланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

травматология ва ортопедия амалиётида тромбоцитар аутоплазманинг тизза бўғимини остеоартрозларини стандарт даволаш комплексига қўшилиши, беморларни даволаш сифати ва самарадорлигини ошириши, даволаш муддатининг қисқариши ва касаллик ремиссия даврининг узайишига ҳамда касалликнинг эрта ва кечки асоратларини олдини олиш учун имкон яратган;

тизза бўғими остеоартрозларини стандарт даволаш комплексига тромбоцитар аутоплазманинг қўшилиши, анъанавий даволаш усуллари билан таққослаганда клиник самарадорлигининг юқорилиги травматология ва ортопедия амалиёти учун энг муҳим аҳамиятли эканлиги аниқланган;

тизза бўғими остеоартрозларини даволаш комплексига аутотромбоцитар массанинг қўлланилиши, даволаш усулини оптималлаштириш билан бир

қаторда касалликнинг эрта профилактикаси ҳамда асоратларини олдини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий ишда қўлланилган усуллар, тадқиқот беморлари сонининг етарлилиги, клиник, гониометрик, рентгенологик, ультра товушли денситометрик, магнитно-резонанс томография ва синовиал суюқликнинг биокимёвий таҳлили ва цитологик текширувлари миқдорининг етарлилиги, олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизза бўғими остеоартрозларининг кўп миқдорда тарқалганлиги, махсус даволашга муҳимлик даражаси баҳоланганлиги, биринчи бор ушбу патологияни комплекс стандарт даволашдан аутотромбоцитар массадан фойдаланиб даволашнинг устунлиги исботланганлиги, тромбоцитларга бой аутоплазма билан даволашнинг беморлар тизза бўғими остеоартрозларига ижобий таъсири исботланганлиги, тромбоцитларга бой аутоплазма билан даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги, даволашнинг клиник самарадорлиги яхшилаши исботлангани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тромбоцитар аутоплазма билан тизза бўғими остеоартрозларини даволаш сифати ва самарадорлиги ошганлиги, даволаш муддати қисқарганлиги, ремиссия даври узайганлиги, бўғим остеоартрозларини даволаш комплексига аутотромбоцитар массадан фойдаланишнинг киритилиши даволашни оптималлаштириш билан бир қаторда касалликнинг эрта ва кечки асоратларининг олдини олиш имконини яратганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 15 январдаги 11/31– сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* илк маротоба остеоартрози даволаш учун тавсия этилган усулдан фойдаланиш беморларда шиш, гиперемия ва бўғимларда оғриқлар даражасининг пасайиши билан намоён бўладиган клиник самарадорлик билан исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Травматология ва ортопедия амалиётида тромбоцитар аутоплазманинг тизза бўғимини остеоартрозларини стандарт даволаш комплексига қўшилиши, беморларни даволаш сифати ва самарадорлигини ошириши, даволаш муддатининг қисқариши ва касаллик ремиссия даврининг узайишига ҳамда касалликнинг эрта ва кечки асоратларини олдини олиш учун имкон яратган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (13.10.2023 у.; №117-1), Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.01.2023 у.; №83) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик

оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда аутотромбоцитар масса (АТМ) қўлланилгандан сўнг бўғим синовиал суюқлигининг биокимёвий таркибини баҳолаш ушбу патологик ҳолат беморларнинг ҳолатига таъсирини қиёсий баҳолашни ўрганишга бағишланган. Натижада ушбу услубий тавсиянома тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда синовиал суюқликнинг биокимёвий ҳолатини баҳолаш учун клиник ва биокимёвий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш имконини берди ва шу билан биргаликда, бу илмий тадқиқотлар учун учун ажратилган маблағни тежаш имконини берди. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. Хулоса: тизза бўғими остеоартрозларини комплекс даволашда аутотромбоцитар массани қўллаш учун ишлаб чиқарилган алгоритм касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш, тавсия этилган терапияни оптималлаштириш ва даволаш самарадорлигини ошириш учун имкон яратди.

*Иккинчи илмий янгилик:* илк маротоба тадқиқотга киритилган беморлар зарарланган тизза бўғимида тромбоцитларга бой плазма қўлланилганда бўғим тоғайи дегенератив жараёнларни ремиссияси ва динамикада қайта тикланиб бориши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тизза бўғими остеоартрозларини стандарт даволаш комплексига тромбоцитар аутоплазманинг қўшилиши, аънавий даволаш усуллари билан таққослаганда клиник самарадорлигининг юқорилиги травматология ва ортопедия амалиёти учун энг муҳим аҳамиятли эканлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (13.10.2023 у.; №117-1), Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.01.2023 у.; №83) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда АТМ қўлланилгандан сўнг, бўғим синовиал суюқлигининг биокимёвий таркибини баҳолаш ушбу патологик ҳолат беморларнинг ҳолатига таъсирини қиёсий баҳолашни ўрганишга бағишланган. Натижада ушбу услубий тавсиянома тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда синовиал суюқликнинг биокимёвий ҳолатини баҳолаш учун

клиник ва биокимёвий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш имконини берди ва шу билан биргаликда бу илмий тадқиқотлар учун учун ажратилган маблағни тежаш имконини берди. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. Хулоса: тизза бўғимининг яллиғланиш касалликларини аутотромбоцитар массани қўллаб даволаш ва стандарт даволашнинг клиник-экономик натижалари шуни кўрсатдики, яллиғланиш клиник белгиларининг йўқолиб кетиши ҳамда синовиал суюқлик кўрсаткичларининг меъёрлашуви, тизза бўғими ҳаракатининг мўтадиллашуви, синовиал суюқлик таркиби биокимёвий ҳолатининг меъёрлашуви касалликнинг оғир даражасини даволашда комплекс давода аутотромбоцитар масса қўлланилиши даволаш самардорлигини оширганлигидан далолат берди.

*Учинчи илмий янгилик:* илк мартоба тизза бўғими артрозида тромбоцитларга бой плазма қўлланилгандан сўнг синовиал суюқликнинг таркибий қисмлари ва тоғай тўқималарида яллиғланиш элементларининг пасайиши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тизза бўғими остеоартрозларини даволаш комплексига аутотромбоцитар массанинг қўлланилиши, даволаш усулини оптималлаштириш билан бир қаторда касалликнинг эрта профилактикаси ҳамда асоратларини олдини олиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (13.10.2023 у.; №117-1), Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.01.2023 у.; №83) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда АТМ қўлланилгандан сўнг бўғим синовиал суюқлигининг биокимёвий таркибини баҳолаш ушбу патологик ҳолат беморларнинг ҳолатига таъсирини қиёсий баҳолашни ўрганишга бағишланган. Натижада ушбу услубий тавсиянома тизза бўғими остеоартрозлари билан зарарланган беморларда синовиал суюқликнинг биокимёвий ҳолатини баҳолаш учун клиник ва биокимёвий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш имконини берди ва шу билан биргаликда бу илмий тадқиқотлар учун учун ажратилган маблағни тежаш имконини берди. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. Хулоса: беморларда тизза бўғими остеоартрозининг юқори даражада тарқалганлиги сабабли, ушбу касалликнинг дастлабки белгиларини аниқлаш учун ҳар ойлик диспансер кузатувини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

*Тўртинчи илмий янгилик:* беморларда далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан, тизза бўғим остеоартрозларининг клиник босқичларида тромбоцитларга бой плазма юбориш орқали бўғим фаолиятининг анатомо-функционал ҳолати яхшиланиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тромбоцитар аутоплазма билан тизза бўғими остеоартрозларини даволаш сифати ва самарадорлиги ошганлиги, даволаш муддати қисқарганлиги, ремиссия даври узайганлиги, бўғим остеоартрозларини даволаш комплексига аутотромбоцитар массадан фойдаланишнинг киритилиши даволашни оптималлаштириш билан бир қаторда касалликнинг эрта ва кечки асоратларининг олдини олиш имконини яратганлиги билан изоҳланади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (13.10.2023 у.; №117-1), Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.01.2023 у.; №83) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* кўйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрози билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* кўйидагилардан иборат: тизза бўғими остеоартрози билан зарарланган беморларда АТМ қўлланилгандан сўнг, бўғим синовиал суюқлигининг биокимёвий таркибини баҳолаш ушбу патологик ҳолат беморларнинг ҳолатига таъсирини қиёсий баҳолашни ўрганишга бағишланган. Натижада ушбу услубий тавсиянома тизза бўғими остеоартрози билан зарарланган беморларда синовиал суюқликнинг биокимёвий ҳолатини баҳолаш учун клиник ва биокимёвий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш имконини берди ва шу билан биргаликда бу илмий тадқиқотлар учун ажратилган маблағни тежаш имконини берди. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. Хулоса: Тизза бўғими остеоартрози билан касалланган беморларда клиник ва МРТ назорати даволаш учун зарурий бўлиб, ҳар 6 ойда Аутотромбоцитар массани қўллаган ҳолда иккинчи даволаш курсини такрорий ўтказиш лозим.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Тизза бўғими артрози: диагностика ва даволаш (адабиётлар шарҳи)**» тизза бўғими остеоартрози билан зарарланган беморларда, ушбу патологиянинг муаммолари бўйича назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тизимлаштирилган, касалликнинг диагностика, замонавий даволаш ҳамда олдини олишнинг мавжуд усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Тизза бўғими остеоартрози билан касалланган беморларда касалликнинг клиник кўринишлари ва клиник-лаборатор тадқиқотлари сурункали яллиғланиш касалликларини ривожланишига олиб келиши мумкин, бу бемор организмнинг ривожланишига таъсир қилиши, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳажми ва клиник материал ҳамда қўлланилган текшириш усуллари тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида клиник ва тадқиқот материаллари ва усулларининг умумий тавсифи берилган.

Мазкур диссертация иши доирасида тадқиқот Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази травматология ва ортопедия бўлимида 2019-2023 йиллар давомида ўтказилди. Ушбу тадқиқот турли даражадаги тизза бўғими остеоартрози ташҳиси қўйилган ва консерватив даво муолажаларини олган 114 нафар беморлар иштирокида амалга оширилган.

Беморларнинг касаллик тарихидан маълум бўлишича, остеоартрознинг давомийлиги 6 ойдан 15 йилгача бўлган муддатни ташкил қилган. Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг ёши 28 ёшдан 75 ёшгача бўлган, уларнинг барчаси тизимли текширув ва даволаш чора-тадбирларидан ўтишган.

Тадқиқотга жалб қилинган 114 нафар бемор 2 гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳ (n=70) нафар бемор, бу гуруҳдаги беморларга замонавий усуллар, жумладан, аутотромбоцитар масса (АТМ) терапияси қўлланилди. Назорат гуруҳида эса (n=44) нафар. Ушбу гуруҳдаги беморлар стандарт консерватив даво муолажаларини қабул қилган.

Умумий беморларнинг 74,6% (n=85) нафар аёллар ва 25,4% (n=29) нафар эркеклардан иборат бўлган. Асосий гуруҳда аёллар сони 61,2% (n=52), эркеклар сони эса 38,8% (n=18) ни ташкил қилди. Назорат гуруҳида эса аёллар

сони 75,0% (n=33) , эркаклар сони эса 25,0% (n=11) бўлган.

Остеоартрознинг аёллар ва эркакларда учраш даражаси юқоридаги маълумотлардан маълум бўладики, тизза бўғими остеоартрози аёлларда эркакларга нисбатан 2,5 марта кўп учрайди. Бу ҳолат, айниқса, ёш ўсиши билан янада кучаяди. Бундай ҳолат аёллардаги гормонал ўзгаришлар, суяк тўқимаси заифлашуви ва яллиғланиш жараёнларининг тезлигидан келиб чиқади. Тадқиқотнинг мақсадларидан бири беморларнинг клиник ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш ва тизза бўғими остеоартрозига чалинган беморларда турли даволаш усулларининг самарадорлигини таққослашдан иборат бўлган.

Танланган беморлар орасида 7 нафар беморда ТБА (тромбоцитларга бой аутоплазма) қўллашга қарши кўрсатмалар аниқланганлиги сабабли, ушбу амалиёт уларга тадбиқ этилмаган.

Тизза бўғими остеоартрозлари билан касалланган беморларга клиник ташхисни асослаш учун касаллик симптомлари ва беморларнинг шикоятлари муҳим рол ўйнайди. Беморларга клиник ташхис қўйиш учун қуйидаги бемор шикоятларига эътибор қаратилган.

114 нафар назорат остига олинган тизза бўғимининг остеоартрозлари (ТБОА) билан зарарланиш, зарарланган беморларнинг 61(53%) нафарида касалликнинг ўрта оғир даражада кечганлигининг гувоҳи бўляпмиз, фақатгина беморларнинг 39(35%) нафарида касалликнинг оғир даражаси кузатилган.

Тизза бўғими остеоартрозлари Келлгрэн–Лоуренс рентгенологик таснифи бўйича даражаларга бўлиб ўрганилган. Тизза бўғимининг функционал ҳолати шкаласи (KOOS) Knee Injury And Osteoarthritis Outcome Score (KOOS) — бу шкала тизза бўғими ҳолатини анатомик ва функционал жиҳатдан ҳар томонлама баҳолаш учун ишлатилган. Ушбу шкала 5 бўлимдан иборат бўлиб, жами 42 та саволни ўз ичига олган.

Назоратга олинган беморларнинг 60 нафарида тизза бўғимининг рентгенографияси икки проекцияда (тўғри ва ён) EDR 750 аппаратида ўтказилган.

Тизза бўғими остеоартрозларининг турли оғирлик даражаларида магнитли-резонансли томография маълумотларига кўра, тизза бўғимининг фиброз-тоғайли аппарати 3 та ўзаро перпендикуляр текисликда баҳоланди: коронал(фронтал, текис), сагиттал (латерал) ва кўндаланг(аксиал, кўндаланг). Сагиттал текисликда олинган маълумотлар барча интра ва периартикуляр тузилмаларнинг кўпчилигининг конфигурацияси, ҳажми ва тузилишини баҳолаш учун энг маълумотли бўлиб, аппаратнинг ёзадиган қисми айнан шу текисликда амалга оширилган.

Тизза бўғими остеоартрози бўлган беморларда магнит-резонанс томографияси (МРТ) рангли хариталаш дастури орқали тоғай тўқимасидаги ўзгаришлар баҳоланган. Медиал ва латерал сон суяги дўнгликлари ҳамда катта болдир суяги платоларининг DEEP, INTERMEDIATE ва SUPERFICIAL қатламларида T2 қийматлари ўлчанган. Натижалар тоғай тўқимасида I даражали дегенерация (гидратациянинг ошиши) устунлигини кўрсатган. МРТ сагиттал кесимларида бўғим тирқиши торайиши, I-II даражали хондромалация, қисман синовит ва остеофитлар аниқланди. Шунингдек, медиал мениск орқа шохида жароҳат мавжудлиги қайд этилган.

T2 хариталаш усули тоғай тўқимасидаги тузилмавий ўзгаришларни эрта аниқлаш ва мониторинг қилиш учун истиқболли усул ҳисобланади. sT2Cal 'TSE coronal' режими ёрдамида ўтказилган МРТ натижаларига кўра, бўғим тоғайи тўқималарида дегенератив ўзгаришлар даражасининг ишчи таснифи ишлаб чиқилган.

Тизза бўғимининг остеоартрозларида синовиал суюқлик ва синовиал қаватнинг цитологик ва биокимёвий хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишланган. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш ( $\sigma$ ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %) ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларидан фойдаланилган. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p) ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F-Фишер мезони) ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланган. Ишончлилик даражаси  $p < 0,05$  га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қаралди.

Диссертациянинг «**Комплекс консерватив даволашнинг илғор усуллари. Тизза бўғими остеоартрози (ТБО) комплекс даволашда аутотромбоцитар масса (АТМ) терапиясини қўллашнинг самарадорлиги**» деб номланган учинчи боби тизза бўғими остеоартрозининг турли даражаларида аутотромбоцитар масса қўлланилгандаги самарадорлиги натижаларига бағишланган.

Тадқиқот доирасида ТБО ташхиси қўйилган 114 нафар беморда аутотромбоцитар масса терапиясининг самарадорлиги ўрганилган. Беморлар икки гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ (70 нафар) аутотромбоцитар масса терапиясини қабул қилган ва назорат гуруҳи (44 нафар) эса стандарт консерватив даволашни қабул қилганларни ташкил этган.

Тадқиқот доирасида тизза бўғими остеоартрози (ТБО) даволаш учун аутотромбоцитар масса терапиясининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида мукамал даволаш режаси ишлаб чиқилган. Асосий гуруҳда аутотромбоцитар масса терапияси стандарт консерватив усуллар билан биргаликда қўлланилган бўлса, назорат гуруҳида фақат стандарт даволаш усуллари амалга оширилган.

Аутотромбоцитар масса тайёрлаш ва киритиш жараёнида стерилликни таъминлаш, тромбоцитларнинг фаоллигини сақлаш ва инъекцияларнинг аниқлигини таъминлаш даволаш самарадорлигини оширган.


Тизза бўғими остеоартрози (ТБО) билан оғриган беморларда аутотромбоцитар масса (АТМ) терапиясини самарали қўллаш учун махсус даволаш-диагностик алгоритми ишлаб чиқилган. Диагностик жараён ва МРТ таҳлиллари асосида беморларни гуруҳларга ажратиш йўли билан индивидуал даволаш стратегияси ишлаб чиқилган.

Тизза бўғими остеоартрози даволаш учун тадқиқот доирасида беморлар икки гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳдаги беморларга консерватив даволаш усуллари билан бир қаторда аутотромбоцитар масса (АТМ) терапияси қўлланилган. Бу гуруҳда даволаш жараёни давомида яллиғланишни

камайтириш, оғриқни пасайтириш ва бўғим функциясини тиклашга қаратилган замонавий комплекс ёндашувлар қўлланилди. АТМ терапиясининг самараси тўқималарнинг регенерациясини тезлаштириш ва тоғай тузилишини тиклаш орқали аниқланган.

Назорат гуруҳида эса фақат консерватив даволаш усуллари қўлланган. Ушбу усул яллиғланишни камайтириш ва оғриқни пасайтиришга қаратилган бўлиб, АТМ терапияси қўлланмаган. Бу гуруҳнинг даволаш самарадорлиги асосий гуруҳ билан таққосланган.

Тадқиқот доирасида тизза бўғими остеоартрозини даволаш ва диагностика қилиш учун алгоритм ишлаб чиқилган (1-расм).



**1-расм. Тизза бўғими остеоартрозини даволаш-диагностик алгоритми**

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган тизза бўғими остеоартрозини даволаш-диагностик алгоритми тизза бўғими остеоартрозларининг турли даражалари билан зарарланган беморларда тизза бўғими касалликларини даволаш усулини танлашда, тавсия этилган комплекс терапияни оптималлаштиришга ва даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам берган.

Диссертациянинг «Тизза бўғими остеоартрозини аутотромбоцитар массадан фойдаланган ҳолда консерватив даволаш натижалари» деб номланган тўртинчи боби текширилаётган беморларда тизза бўғими остеоартрозлари параметрларининг аутотромбоцитар массадан кейинги ҳолатини ўрганишга бағишланган.

АТМ терапияси тўқима регенерациясини рағбатлантирувчи тромбоцитларнинг биологик фаол моддаларига асосланган бўлиб, яллиғланишни камайтириш ва бўғим тўқималарининг тикланиш жараёнини жадаллаштириш имконини беради.

Тадқиқот доирасида 114 нафар беморлар текширувдан ўтказилди ва улар икки гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳ (n=70) беморларида консерватив терапия билан бир қаторда АТМ терапияси қўлланилди. Назорат гуруҳи (n=44) эса фақат стандарт консерватив даволаш усуллари билан чекланди.

**Натижаларни таҳлил қилиш:** Тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳда АТМ терапиясининг самарадорлиги юқори бўлди:

- **Оғриқни камайтириш:** АТМ терапияси қўлланилган беморларда оғриқ сезиларли даражада пасайди.

- **Функционал ҳолатнинг тикланиши:** Бўғим ҳаракатини тиклаш ва кундалик фаолиятларни бажаришга бўлган қобилият яхшиланди.

- **Биокимёвий ўзгаришлар:** Асосий гуруҳда СОД ва каталаза даражалари ошди, МДА даражаси эса пасайди, бу оксидатив стресс даражасининг камайганлигини кўрсатди.

Назорат гуруҳида эса натижалар нисбатан пастроқ бўлди:

- Оғриқ ва яллиғланишни камайтиришда самарадорлик чекланган бўлиб, функционал ҳолатнинг тикланиши асосий гуруҳга нисбатан сезиларли эмас эди.


- Биокимёвий кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Тизза бўғими остеоартрозларининг I-клиник даражасида олиб борилган даволаш чора-тадбирлари натижалари шуни кўрсатдики, Назорат остига олинган тизза бўғими остеоартрозлари (ТБОА) билан зарарланган беморларнинг 14(12%) нафарида касалликнинг енгил даражаси аниқланди.

14 (12%) нафар тизза бўғими остеоартрози I даражаси билан касалланган беморларнинг тизза бўғими тоғай тўқимасини микдорий баҳоланганда сон тизза бўғими тоғай тўқималарининг рангли харитаси натижаларига асосланган МРТ маълумотларида 1-даражали дегенерация (гидратациясининг ошиши) устунлиги аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, даволашдан 6 ойдан сўнг(аутотромбоцитар масса қўллагандан кейин) sT2Cal TSE-coronal коронал режим ёрдамида МРТ қайтадан динамик ўтказилганда хариталаш вакти (T2) индикаторининг миллисекундаларда (мс) кайд этишга асосланган ҳолда тизза

бўғими тоғайи тўқималарида дегенератив ўзгаришлар камайганлиги аниқланган. Назорат остига олинган беморларнинг 14(12%) нафарида тизза бўғими остеоартрозларининг даводан кейин клиник I даражаси аниқланган бўлиб, МРТда тизза бўғими тоғайи баландлиги сақланган. Дегенератив ўзгаришлар камайганлиги аниқланган (2-расм).



**2-расм. Бемор Р.Р.42 ёш. Чап тизза бўғими МРТ-текшируви (даводан кейин). Тизза бўғими тоғайи баландлиги сақланган.**


Тизза бўғими 1-даражали остеоартрозларида “Тизза бўғимининг функционал ҳолати” шкаласи (Knee Injury And Osteoarthritis Outcome Score)

